

17-iyul
2025-yil 28 (1 130)

O'ZLIDEP

XXI ASR

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА!



Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланиш муносабати билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилгани ҳақидаги хабарни эшитиб, сал енгил тортдик. Бу албатта, янгилик эмас. Чунки авваллари

ҳам турли қонун лойиҳалари атрофида депутатлар, фракциялар ҳамда Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисларида шу каби тортишув, баҳс-мунозаралар бўлганига гувоҳмиз.

Бу галгиси ҳам чакки бўлмади назаримизда.

Актам ХАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
O'ZLiDeP фракцияси раҳбари:

— Бу ҳужжатнинг аҳамиятли жиҳати, аввало, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароитлар яратишга қаратилган муҳим ташаббуслардан бири ҳисобланади. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида соҳада фаолият юритаётган фермерлар, агрономлар, хўжалик раҳбарлари билан очик мулоқотлар ўтказилди, бир қатор жўяли таклифлар асосида қонун лойиҳаси тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. Хусусан, кўзланган мақсад, ердан фойдаланишдаги муаммолар, уруғ ва кўчат билан таъминлаш, даланинг чекка ҳудудларини фойдаланишга беришдаги ҳуқуқий бўшлиқлар каби масалаларга ечим топиш кўзда тутилган.

Лойиҳага асосан, энди фермерлар ёки ердан фойдаланувчилар маҳсулот етиштириш жараёнида даланинг чекка ҳудудларидан ҳам самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу жараёнда ернинг

аниқ чегаралари белгилаб берилади. Ушбу вазифани туманларда фаолият юритувчи Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлиги бошчилигидаги ишчи гуруҳлар амалга оширади. Улар ҳудуднинг иқлим шароити, сув таъминоти ва ирригация имкониятларини таҳлил қилган ҳолда тавсиявий қарор қабул қилади. Шунингдек, мавжуд ер майдонлари қайси фуқаро ёки фермернинг ихтиёрида бўлиши аниқ белгилаб берилади. Агар ушбу ер майдонини фойдаланувчи фермер ёки ижарачи техник ёки молиявий сабабларга кўра уни ўзлаштира олмаса, бу ер электрон базага киритилади. Электрон платформа орқали бу ерлар ишсиз ёшлар, тадбиркорликка қизиққан фуқароларга иккиламчи ижарага таклиф қилинади. Бу жараёнда адолатли ва очик механизмлар ишлатилиши таъминланади.

Қонун лойиҳасидаги яна бир муҳим янгилик — бу ердан иккиламчи фойдаланувчилар учун ҳуқуқий асос яратилиши. Энди фермер ёки асосий



ижарачи ўз еридан фойдаланиш имконияти бўлмаганда, маҳаллий аҳоли вакиллари, ёшлар, аграр таълим муассасалари битирувчилари маҳсулот етиштириши мумкин бўлади. Ушбу таклиф икки томонлама манфаатли бўлиб, фермер ўз ерини бўш қолдирмайди, иккинчи томон эса иш ва даромадга эга бўлади.

Яна бир эътиборга молик жиҳа-

ти, бу ерлардан самарали фойдаланиш орқали қўшимча иқтисодий даромад манбаи яратилади. Шунингдек, ижтимоий барқарорлик таъминланади, бозордаги нарх-наво ўсишининг олдини олиш, ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

БУГУНГИ СОНДА:

Шоли курмаксиз
бўлмас эди...

2с.



Энди биринчи
бўлиш енгил
кечмайди!

3с.



XXI аср тузоғи

5с.



Гўзалликни кўришга
ўрганмасак, нуқул
камчилик топаверамиз

6с.



◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ОЛИЙ МАЖЛИС

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА!

– Қайд этиш керакки, Қонунчилик палатасининг жорий йил 1 июль куні бўлиб ўтган ялли мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган мазкур қонун лойиҳаси ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлган эди.

Ўтган давр мобайнида қўмитамиз томонидан қонун ташаббускорлари билан биргаликда жойларда ушбу ҳужжат лойиҳаси фермерлар, деҳқонлар билан биргаликда бир неча бор муҳокама этилди. Мазкур лойиҳани ишлаб чиқишга асос бўлган қонуности ҳужжатлари таҳлил қилинди ва маромига етказиш чоралари кўрилди.

Бир сўз билан айтганда, амалдаги қонунчиликда дала четларининг мақбул экин экилиши белгиланган майдонларида ер эгаси ўзи экин экиши ёки иккиламчи ижарага берган ҳолда экин экилишини ташкил қилиши белгиланган. Яъни ер эгаси ўзи экин экмаса, оширилган солиқ тўлаши, иккиламчи ижарачи экин экмаса, жаримга сабаб бўлади.

Хўш, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида нималар ўзгарди?

Биринчидан, қонуннинг биринчи ўқишда қабул қилинган матнида дала четларида, шунингдек, сугориш, дренаж тармоқлари атрофларида мақбул экин экиш мажбурияти белгиланаётган эди. Мазкур норма амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, “дала четларидаги каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги

ерларга” деб, ўзгартирилди.

Иккинчидан, қонун лойиҳасига “қонунчиликка мувофиқ маҳсулот етиштириш белгиланган майдонларда мақбул экин экиш” тушунчаси киритилди. Яъни, юқорида айтиб ўтилганидек, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ҳар йили дала четларида экин экиш лозим бўлган майдонлар юзасидан таклиф тайёрлаши белгиланган.

Учинчидан, маҳсулот етиштирмаганлик учун ер эгасининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган “барча ерлари учун 3 баробар солиқ ҳисоблаш” нормаси қайта кўриб чиқилиб, ер солигини оширилган ҳолда ҳисоблаш “ер участкасининг мақбул экин экилмаган қисми учун” деб, белгиланди.

Тўртинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган қўшимчалар ҳам қайта кўриб чиқилди. Бунда, жарима фақатгина “дала четларини иккиламчи ижарага олган ижарачиларга нисбатан қўлланилиши” белгиланганлиги, бундан ташқари “жарималар базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаригача эмас, балки бир бараваридан уч бараваригача” қўлланилиши, яъни, жарималар миқдори 5 бараваргача камайтирилди.

Бешинчидан, республикамизнинг айрим ҳудудларида иқлим шароитидан келиб чиқиб, апрель ойида ҳам бирламчи экин экилиши ҳолатлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда, маҳсулотларни йилнинг “1 апрелигача” этиб белги-

ланган норма “1 майга қадар” деб, тахрирланди.

Яна бир муҳим масала, яъни қонун лойиҳасини кўриб чиқишда мораторий талаблари инobatта олинганми, деган саволлар туғилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 февралдаги фармонида 2023 йил 1 июлдан 2026 йил 1 июлгача – тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чоралари жорий этилмаслиги белгилаб қўйилган.

Қонун билан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддаси янги иккинчи қисм билан тўлдрилиб, дала четларини иккиламчи ижарага олган ижарачилар мақбул экин экмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмоқда. Бу тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги маъмурий жавобгарлик чораси бўлиб, мораторий талабига тушади. Яъни, тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий ўрнатилганидан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган қўшимчалар бир йилдан сўнг, яъни 2026 йил 1 июлдан қуъга кириши белгиланмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги Фармонида назарда тутилган – кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилиши н назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул



Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг
Аграр ва сув хўжалиги
масалалари қўмитаси раиси,
О‘zLiDeP фракцияси аъзоси

қилинмаслиги тўғрисидаги қоидалар ушбу қонунга ўз таъсирини кўрсатмайди.

Чунки қонундаги “дала четларида маҳсулот етиштириш” бўйича мажбурият янги мажбурият ҳисобланмайди. Амалдаги Ер кодексининг 40-моддаси ва “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасида “қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларида мақбул экинлар экилишини ёки тут кўчатлари ўтқазилишини таъминлаш” фермер хўжалигининг мажбуриятларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, қонун Президентимиз имзолаган фармонда белгиланган мораторий талаблари асосида қайта ишланган ва уларга мувофиқлаштирилган.



Зафарбек СОЛИЖОНОВ,
журналист-блогер:

Шахсан мен мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишдан кейин қанчалик ўзгариб кетганига эътибор қаратмоқчиман:

1. Маъмурий жавобгарлик кимга қаратилган? Энди ҳар кимга эмас. Қонун лойиҳасига кўра, фақат иккиламчи ижарачи (яъни, ерни ижарага олган одамдан яна ижарага олган киши) экин экмаса – жарима. Фермер ўзи экмаса – жазо йўқ, фақат солиқ тўлайди.

2. Ҳамма ер дала чети деб олиниши мумкинми? Йўқ. Фақат канал, сув чиқариш ва дренаж атрофидаги ерларда экин экмаса, жавобгарлик бор.

3. Лойиҳадаги аввалги тушунарсиз иборалар ўзгартирилиб, қайта тахрирланди, аниқ ва тушунарли изоҳлар берилди. Энди “маҳсулот етиштирмасанг жавоб берасан” деган умумий гап йўқ. Аниқ белгиланган ерда ва муддатда экин экилмаса, жавобгарлик бўлиши мумкин.

4. Дастлаб белгиланган жарима миқ-

дори анча пасайган. Яъни БҲМнинг 5-10 баробари (катта пул) эмас, энди – 1-3 баравар.

5. **Яна бир эслатма:** келаси йил 1 июлгача ҳеч кимга янги жазо йўқ. Чунки мораторий бор. Бу вақтда тадбиркорлар ҳужжатларини тўғрилаб олади, хато қилсаям жазо берилмайди...

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

ШОЛИ КУРМАКСИЗ БЎЛМАС ЭДИ

АММО СУВСИЗ ҲАМ БЎЛАР ЭКАН...

Жияним эрта баҳорда қўшни қишлоқнинг Қорақумга чегара ҳудудидан 8 гектар майдонни кимосди савдосида ютиб олди. Бу ҳудуднинг тупроғи қумлоқ ва яна сув йўлларининг энг охирида жойлашган. Табиийки, бундай ҳолатда сувсизликка чидамли экинлар, масалан сабзавот, полиз экинлари экиш мумкин. Лекин қумли тупроқда бу турдаги экинлар ҳам яхши ҳосил бермайди. Энг қизиғи, “аукцион савдоси”дан келиб чиққан катта миқдордаги пулни уч йилда қоплаш ва қўшимча даромад топиш учун фақат шоли экиш мумкин. Сув эса бу ҳудудга воҳада қадимдан тамойилга кирган “катта тошув” вақтида, яъни май ойи охириларида келади. Унгача ариқлар ва ҳатто зовурлар ҳам қуриб ётади.

Хўш, нима қилиш керак?

Хоразмда икки йилдан бери “экма шоли” усули тажрибаси қўлланила бошлади. Киш аввалида шўр ювилган, намгарчилик меъёрида бўлган, сифатли текисланган майдонларга шоли уруғи махсус сеялка ёрдамида экилади. Яъни, куп-қуруқ ерга! Униб чиққан уруғлар қирқ кунда (!) бир қаричдан баландроқ бўйи тортади ва шундан кейингина сугорилади. Ишонмайсизми?

Бу – аслида воҳада шоличиликда қадимдан қўлланиб келинган тажриба маҳсули. Болалик маҳалларимда, эслайман, отам раҳматли сув йўлларида узокроқдаги ташландик майдонларни ўзлаштириб, мана шундай усулда шоли экарди. “Экма шоли”нинг бир ёмон томони ҳам борки, сувсиз турган вақтида ёввойи ўтлар босиб кетади. Шу сабаб бутун ёз бўйи шолізордан чиқмай ўт тозалардик. Кеч кузда эса яхшигина хирмон кўтарардик.

Хулас, жияним бу йил “экма шоли” усулини қўллашга қарор қилди. Унинг бахти қуруқ тупроққа эккан шолани бегона ўтлар босиб кетмаслиги. Негаки, ҳозир барча экинларда учрайдиган ўтларни кимёвий усулда йўқ қилиш воситалари яратилган. Авваллари кимёвий дориларни вилоят ёки туман марказидаги санокли дўконлардан топган бўлсангиз, ҳозир қишлоқларда ҳам бор.

Нега айнан бугун ушбу мавзунни кўтараяпмиз? Сабаби, нафақат воҳада, балки бутун мамлакатимизда йил-йилдан сув танқислиги кузатиляпти. Ҳукуматимиз бу табиий офатни юмшатиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалиётга айлантирди, яъни томчилятиб сугориш технологияси қийинчилик билан бўлса-да, фермерлар фаолятига аста-секин қириб келмоқда. Уч йилки, пахта, буғдой, сабзавот экинларини шундай усулда сугориш орқали қанчалаб сув тежалмоқда.

Тажрибали агроном, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, “Ақбар Аҳмад ўғли” фермер хўжалиги раҳбари Юсуфбой Рўзметов томчилятиб сугориш технологиясининг афзаллиги ҳақида шундай дейди:

– Бу тажриба бошланганида аввал катта майдонлардаги пахта ёки буғдойни шу зайдда сугориб, кўнгилдагидек ҳосил етиштиришга ишонмагандик. Негаки, бизлар осонига ўрганиб қолганмиз, яъни пахта ва буғдойни бостириб сугораверганмиз. Ҳар бир литр сувнинг нархи қанчалиги ҳеч кимни қизиқтирмаган. Энди эса мисли электр энергиясини қанчалик тежаб ишлатган бўлсак, сувни ҳам шу даражада

тежашга одатландик. Мажбур бўлдик, десам тўғрироқ бўлади! Самараси дарров билиняпти: сув учун ортиқча тўловлардан қутулдик. Асосийси, режадаги ҳосилни ҳам ортиқчаси билан оляпмиз.

Тўғри, томчилятиб сугориш тажрибаси билан ҳали воҳадаги фермерлар маълум бир қисмигина шуғулланяпти. Бироқ, бу янгилик бошланганига уч йил бўлганини инobatта олсак, ҳозирча натижа ёмон эмас.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бир килограмм картошка етиштириш учун 100, бир килограмм гуруч етиштириш учун 4 минг, бир килограмм мол гўшти етиштириш учун 11 минг литр сув сарфланар экан. Тасаввур қилинг, 2030 йилга бориб, республика миқёсида деҳқончилик қилиш учун 7 миллиард куб сув етмайди. Бу дегани Қўйи Амударё ва Бухоро, демак, учта вилоятда кескин сув танқислиги юзага келиш эҳтимоли каттароқ. Бу жиддий сигнал аслида.

Яна шоли мавзусига қайтамыз. Президентимиз ташаббуси билан Янгибозор туманида шоличилик илмий-тадқиқот институти очилган эди. Ўтган даврда институт тажриба майдонларида шолининг тезпишар, сувсизликка чидамли ўнлаб навлари синовдан ўтказилди. Буғдойдан бўшаган майдонларга техника ёрдамида шоли кўчатлаш амалиёти ҳам институт экин майдонларида кенг миқёсда тажрибадан ўтказилгани қўл меҳнати камайишига замин яратди. “Экма шоли” усулини ҳам айнан шу институт олимлари қайта “тирилтиришди”. Натижада қисқа муддатда бу янги усул бутун воҳага тарқалди.

Ўтган йили вилоятда минг гектар атрофида шундай йўл билан шоли экилган бўлса, амалдаги йилда бу рақам икки ҳисса кўтарилди.

Ана энди самарасини хомаки ҳисоб-китоб қилиб кўраверинг. Икки минг гектар майдондаги “экма шоли” камида қирқ кун сугорилмайди. Шоли пишиб етилгунича камида юз йигирма кун сув талаб қилады. Қирқ кун сувсиз туриш ҳисобидан ўртача сарфланадиган сувнинг учдан бири тежаллади. Агар ушбу рақамни икки минг гектарга кўпайтирадиган бўлсак, тежалган сув камида ўн минг гектар боғ ёки полизни бутун мавсумда оби-ҳаёт билан таъминлашга етади демакдир.


...Яқинда тарқалган хабардан англашимизча, “эндиликда шоличиликда ҳам томчиляб сугориш усулига ўтилади” дейилган. Пахтанинг бир мавсумда кўпи билан тўрт



марта томчилятиб сугорилишини биламиз. Буғдой эса камида тўққиз-ўн марта. Хўш, шоли пишиб етилгунча неча марта томчиляб сугорилади?

Бу об-ҳавога ва тупроқ таркибига боғлиқ. Шоли доимий намликни талаб қилады. Қумлоқ тупроққа экилган шоли баравж ўсиши учун камида уч кунда бир марта сугорилса, сўга тупроқли майдонларни беш-олти кунда бир сугорса кифоя. Шоли томирини намликда сақлаш учун ҳар уч кунда томчиляб сугориш етарли бўлады. Шоли бўйи тортиши асносида унинг тагида намлик сақланиши муддати узая боради – август ойи ва сентябрда эса ўн кунда бир намлаш етарли бўлады. Шолізорни доимо сув тўла сақланганга таққослаганда томчиляб сугоришда сув ўн беш баравардан кўпроқ тежалди.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири



“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”

ДАВРА СУҲБАТИ

Энди биринчи бўлиш енгил кечмайди!

ЖИЗЗАХ



Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг истиқболли лойиҳаларидан бири “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Жиззах шаҳар босқичида шу ҳудуддаги 34 та маҳалла ўртасида ғолиб деб топилганлар ўзаро беллашиди.

– Лойиҳанинг дастлабки босқичида қатнашганлар учун ўз иш тажрибаларини оммалаштиришда бу танлов жуда қўл келди, – дейди О‘зЛиДеР Жиззах шаҳар бўлими аппарат раҳбари Шоира Ғоziбекова. – Бугун бизнинг шаҳримизда ҳам тadbиркор аёллар сони кундан кунга ошиб бораётгани қувонарли.



Табиийки, жорий йилги ғолибларни аниқлаш ҳам тажрибали ҳайъат аъзолари учун осон кечмайди. Ўзоқ баҳс-тортишувлардан сўнг, Сайилижойи маҳалласи вакиласи Назира Муҳитдинова Жиззах шаҳри миқёсида энг ишбилармон аёл деб топилди.

Партияимизнинг тиниб-тинчимас фаоли ҳозирги кунда бир нечта лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Улардан бири “Jizzax best school” нодавлат таълим маскани 2021 йилда иш бошлаган бўлиб, шаҳар миқёсида 3 та филиалига эга. Ўтган давр мобайнида марказ қoшидаги ўқув курсларини тўрт мингдан ортиқ ўқувчи битирди. 2022 йилда очилган “Jizzax best kids” нодавлат таълим маскани ҳам иккита бўлди. Инглиз тили ва ахборот технологияларини ўқитишга ихтисослашган 300 ўринли “Jizzax best school plus” хусусий таълим даргоҳи янги ўқув йилида иш бошлайди. Асосийси, 130 га яқин доимий ва мавсумий иш ўрни яратилганидир.

Амир Темуr маҳалласида жойлашган қорхона раҳбари Лoбар Маматқулова эса 2-ўринга муносиб кўрилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган замонавий, сифатли спорт кийимларининг бозори жуда чаққон, ҳатто пойтахт бозорларидан ҳам буюртма тушмоқда. 15 нафар доимий, 10 нафар мавсумий иш ўрни очган тadbиркор келгусида хорижий мамлакатларга экспортни йўлга қўйиш учун ҳаракатларини бошлаб юборган. Қалия маҳалласидан якка тартибдаги тadbиркор Дилноза Ўктамовага эса 3-ўрин насиб этди. Сумка, кашта ва миллий либослар тикиш билан шуғулланаётган ва 5 нафар доимий иш ўрни яратган ишбилармон шу кунгача 70 дан ортиқ шогирд ҳам тайёрлашга улгурди.

Ғолибликни қўлга киритган Назира Муҳитдинова эндиликда кўрик-танловнинг ҳудудий республика босқичида Жиззах шаҳри ишбилармон аёллари шарафини ҳимоя қилади.

О‘зЛиДеР Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

ХОРАЗМ



О‘зЛиДеР ташаббуси доирасида ўтказилаётган танловнинг навбатдаги босқичида ҳазораслик тadbиркор аёллар ўзларининг бой тажрибаси, сифатли ва харидорғи маҳсулотлари, эришаётган ютуқлари, умуман, ижодкорлик ва ташаббускорлик салоҳиятини намоён этишди.

Ҳайъатнинг якуний ҳулосасига биноан Гулистон Жумабoева 1-ўринни, Умид Собирова 2-ўринни, Марҳабо Турдиева эса 3-ўринни қўлга киритди.



– Аслида опам қўли гул чевар эди, – дейди Жалолиддин Мангуберди номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Гулистон Жумабoева. – Мен ҳам болалигимдан бери шу касбга қизиқдим, ўргандим. 2014 йилда

хунармандлар уюшмасига аъзо бўлганман. Махсус гул босилган газламалар, миллий ва замонавий кийимлар, оқшом ва келинлик либослари, махсус формаларни тикиб тайёрлаяпмиз. 50 нафардан ортиқ шогирдим бор. Уларнинг аксарияти тadbиркорлигини бошлаб юборган. 5 нафар хотин-қизга иш ўрни яратдим.

Истиқлол маҳалласида яшовчи Марҳабо Турдиева жисмоний имконияти чекланганига қарамасдан, мунчоқчилик санъатига қизиқиб, аёллар учун сумка, бош кийим, аксессуарлар тайёрлаш билан шуғулланади. У яратган маҳсулотларнинг бежиримлиги алоҳида таҳсинга лойиқдир.

О‘зЛиДеР Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

САМАРҚАНД



Партия Каттақўрғон шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган танловда 30 нафар тadbиркор хотин-қиз иштирок этди.

– Иштирокчилар фаолияти танлов низомига асосан ҳолисона баҳоланди, – дейди О‘зЛиДеР вилоят кенгаши бўлим мудири Камола Аҳмаджoнова. – Хусусан, уларнинг замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринларини яратгани, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, ўз фаолиятида учраётган тўсиқ ва ғовларни қай даражада бартараф эта олаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қувонарлиси, Каттақўрғон шаҳрида мамлакатимизда яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ишбилармонлар жуда кўп.



Танловнинг энг юқори погонасини эгаллаган ишбилармон Ўғилой Сонлибoева Оқолтин маҳалласида 75 дан ортиқ турдаги нон ва пишириқлар тайёрлаб, элдошлари олқишини олмақда. Ноғиронлиги бўлган олти нафар хотин-қизни ҳам ёнига олиб, ишла қилди. Яна бир хайрли ишларидан бири, у қандли диабет хасталиklarини даволашда қўл келадиган нонларни қуритилган мевалардан тайёрлаяпти.

Иккинчи ўринга Зиёлилар маҳалласидан Мадина Нажимова, учинчи ўринга Зoмин маҳалласидан тикувчи Мадина Мирзaева муносиб кўрилди. Мадина Нажимова 20 йил аввал новот цехини оилавий ташкил этган эди. Айни пайтда бу ерда бир кунда ўртача 1,5 тонна шакарни қайта ишлаб, 11 хилдаги новот ва парварда ишлаб чиқарилиб, бозор расталарини тўлдирмоқда.

– Шакарни новот ҳолатига келтириш учун 7 кун вақт керак, – дейди қандолатчи Мадинахон. – 80 кг шакардан 70 кг новот ҳосил бўлади. Қиёмидан парварда тайёрланади. Маҳсулотларимизнинг бозори чаққон. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз.

Танлов доирасида хотин-қизларни тadbиркорликка йўналтириш, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига қаратилган амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Насиба МҲМИНОВА, О‘зЛиДеР Самарқанд вилоят кенгаши бўлим мудири

ҚАШҚАДАРЁ



Чироқчида меҳнаткаш, момомерос хунарини кадрлаб, ундан ҳам даромад топиб, ҳам авлодларга етказишга ҳаракат қилаётган ишбилармон хотин-қизлар кўп. Улар орасидан энг муносибларини танлаш анча мушкул кечди. Сабаби...

Барибир танлов ғолибсиз бўлмайди. Биринчи ўрин Араббанди қишлоғида гиламчилик мактабига асос солиб, юзлаб қиз-аёлларга гилам тўқиш сирларини ўргатиб, 30 нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлаган Салтанат Қўлдошевага насиб этди. Иккинчи ўринга Обод маҳалласида эсдалик буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Феруза Тошқувватова сазовор бўлди. Учинчи ўринга эса Чoштепа маҳалласида каштачилик билан шуғулланиб келаётган Насиба Зиёдова муносиб топилди.

– Маҳаллани обод, фаровон манзилга айлантириш учун аҳолининг даромад манбаларини шакллантириш, янги иш ўринлари яратиш долзарб аҳамият касб этади, – дейди вилоят кенгаши депутати Момосулв Бердиқулова. – Чунки ҳуқуқбузарлик, оилавий ажримлар айнан ишсизлик ва молиявий етишмовчилик бор маҳаллаларда учрамоқда. “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови туманимиз хотин-қизларини тadbиркорликка йўналтириш, томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиш, хунармандчиликни ривожлантириш асносида бандлигини таъминлашда яқин кўмакчи бўлиб келаётир.



Тadbиркор аёллар ўртасида ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилаётганлар сони кун сайин ортиб бораётир. Обод маҳалласида фаолият олиб бораётган Феруза Ёшқувватова тайёрлаётган энг харидорғи буюмларга Саудия Арабистонидаги тadbиркорлар катта қизиқиш билдиришмоқда. Яқин ойлarda у шартнома асосида ўз маҳсулотларини етказиб бoшлайди. Хулоса шуки, партияимизнинг ушбу лойиҳаси янги иқтидорларни кашф этиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш, эл-юрт эътиборидаги хотин-қизларнинг тажрибасини оммалаштиришда қўл келмоқда.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири

НАВОИЙ



Кармана тумани Маданият маркази хилма-хил маҳсулотлари кўргазмаси билан тўлиб-тошди. О‘зЛиДеР вилоят кенгаши Аёллар масалалари бўйича раис ўринбосари Ш. Носирова, туман ҳокими ўринбосари Н. Шoммева, ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг фаолиятини баҳолаб бoришди.

Якуний ҳулосаларга биноан туманда кенг тармоқли фаолият олиб борадиган тadbиркор, “Karmana Samoyulduzlar” ва “Navoiy Sumayya” МЧЖ ҳамда “Davrbek Davron kelajagi” хусусий қорхоналари таъсисчиси Шoҳиcта Ҳикматова 1-ўринни эгаллаб, вилоят ҳудудий республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.



– Фаолиятимни 1999 йилда якка тартибдаги тadbиркорликдан бошлаган эдим, бугун 3 та қорхонанинг таъсисчисиман, – дейди ғолибимиз. – 2 та меҳмонхона, 3 тадан супермаркет ва умумий овқатланиш шoҳoбчаларимизда 50 дан ортиқ ишчи-хизматчилар ишлаяпти. Яна туман марказида уч юлдузли меҳмонхона қурилиши бошладик. Ишга тушгач, яна 70 га яқин юртдошимизнинг бандлиги таъминланади. Бу танловда биринчи марта иштирок этапман. Ҳамкасбларим билан танишдим, зарур харидлар борасида шартномалар имзоладик. Хуллас, бу жараён мен учун жуда манфаатли, фойдали бўлди.

Танлов якунида ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

О‘зЛиДеР Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

КУН МАВЗУСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида сиёсий кучнинг “Касбий таълимни (замонавий касбларни) ривожлантириш” лойиҳаси доирасида касбий таълим иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини биргаликда ўрганиш ҳамда шу йўналишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашга бағишланган “Касбий (профессионал) таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Мулоқот давомида касбий (профессионал) таълим тизимининг долзарб муаммоларини биргаликда ўрганиш ва уларга муносиб ечим топишда партиянинг парламент Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш, тизимни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош ўрта бўгин кадрларини тайёрлаш, касбий таълим соҳасида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш, ўрта бўгин кадрларини тайёрлаш жараёнларига манфаатдор вазирлик ва идораларни кенг жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди ва масъуллар томонидан маълумотлар берилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда касбий таълимни замонавийлаштириш ва уни реал меҳнат бозори талабларига мослаштириш – мамлакатимиз таракқиётининг муҳим устунига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз меҳнат бозорини халқаро стандартларга яқинлаштириш, ёшларнинг касбий тайёргарлигини мустаҳкамлаш, ҳар бир соҳада малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш, миллий малака баҳолаш тизимини ривожлантириш орқали юртимизни халқаро меҳнат бозорига интеграция қилиш масалалари тadbир кун тартибидан асосий ўринни эгаллади.

Касбий таълимда институционал яхлитликни таъминлаш ва бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, халқаро таълим дастурларини жорий этиш ҳамда ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош ўрта бўгин кадрларини тайёрлаш, иқтисодийёт тармоқларидаги технологик янгиланишлар ва яратилаётган иш ўринларига мос равишда катта ёшдаги фуқароларни, айниқса, ишсизларни касбга ўқитиш ва мавжуд иш жойларига тайёрлаш учун қисқа муддатли курсларни ташкил этиш имкони кенгайтирилмоқда.

Тadbирда ушбу масалалар иштирокчилар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва таклифлар, фикр-мулоҳазалар ўрганилди.

Ориф ТИНИБЕКОВ, О‘зЛиДеР Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази етакчи мутахассиси

ТАДБИРКОРГА ҲУҚУҚИЙ КЎМАК КЕРАК

**О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан
юзма-юз мулоқот ўтказилди**

Мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш, тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш устувор ислохотлар сирасига киради. Айниқса, сўнгги йилларда давлат ва жамият ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш, тадбиркорлар дардини эшитиш, уларга амалий ечим топишга қаратилган фаолият янги босқичга кўтарилмоқда.

Шу маънода, О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган амалий учрашув навбатдаги муҳим қадам бўлди. Тадбиркорлар, фермер ва деҳқон

шунингдек, бошқа масъул идоралар вакиллари иштирок этиб, тадбиркорлар билан очик ва самарали мулоқотда бўлди. Ушбу мулоқотни ўтказиш-

Мулоқот давомида тадбиркорлар бир қатор ҳаётий ва долзарб масалаларни илгари сурдилар. Жумладан:

- “Open biznes” иловасида юзага келаётган техник ва ташкилий муаммолар;
- қуёш панелларидан фойдаланишда бериладиган давлат имтиёзлари ҳамда ушбу имтиёзларни амалга оширишдаги бюрократик тўсиқлар;
- солиқ ва банк соҳаларидаги тушунмовчиликлар;

идоралар вакиллари томонидан тадбиркорларга жойида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Қатор муаммолар ўша ернинг ўзида ҳал этилди. Вақт талаб қиладиган масалалар бўйича эса аниқ муддатлар белгиланди ва улар устидан назорат ўрнатилди.

Бугунги иқтисодий ислохотлар шароитида О'zLiDePнинг жойларда фаол иш олиб бориши, тадбиркорнинг дардини эшитиши ва ечим таклиф этиши нафақат партия бўйсини оширади, балки халқ билан



хўжаликларига ҳуқуқий ёрдам” шiori остида ўтказилган тадбирда вилоятнинг турли туманларида фаолият юритаётган тадбиркорлар, фермерлар ва деҳқон хўжаликлари вакиллари иштирок этди.

Эътиборли томони, тадбирда туман адлия, бандликка кўмаклашиш ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари, фермерлар кенгаши, солиқ ва банк ташкилотлари,

дан мақсад шуки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар дуч келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларга тезкор, амалий ечим таклиф этиш билан бирга, жойларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий фаоллигини кучайтириш, давлат органларига нисбатан ишончни ошириш, икки томонлама манфаатли мулоқотни таъминлаш кўзда тутилган.

– фойдаланиш ҳуқуқидаги **ер участкалари бўйича ҳужжатлаштириш масалалари**, жумладан кадастр муаммолари;

– **сув таъминотидаги узиллишлар**, айниқса фермер ва деҳқон хўжаликлари учун;

– **кичик бизнес субъектлари-га кредитлар ажратилишида** юзага келаётган тўсиқлар.

Тадбир давомида масъул

давлат ўртасидаги ишончли муносабатни янада кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, хусусий сектор фаоллигини ошириш, иш ўринлари яратиш каби долзарб мақсадларга хизмат қилади.

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

АСАЛ ЕЙИШ ОСОН, ЛЕКИН...

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” бўлими ҳамда Халқ депутатлари Нукус туман кенгаши депутати Марат Аминов ташаббуси билан “Ёш тадбиркорлар лигаси” лойиҳаси доирасида “О'zLiDeP ёшлари маҳаллада” мавзусида бизнес-тур ташкил этилди.

Тадбир Нукус туманидаги Дийхан Арна маҳалласида фаолият юритувчи тажрибали асаларичилик фермер хўжалигида бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар асаларичилик соҳаси, унинг иқтисодий самарадорлиги ва экологияга таъсири ҳақида амалий маълумотларга эга бўлишди.

Фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Жубаев ўзининг касбга қизиқиши, меҳнати ва ёшларга ажратилган имтиёзли кредитлар ёрдамида бизнесини ривожлантиргани ҳақида сўзлаб берди. Ёш тадбиркор Серик Жубашев ҳам асаларичилик фаолиятини қандай бошлагани ва келгусида замонавий технологияларни жорий этиш нияти билан ўртоқлашди.

– Болалигимдан отамнинг ёнида юриб, уларни асалари ои-



лалари билан ишлашни кузатдим. Бу касбга меҳр тобланди. Асаларичилик – нафақат ҳалол меҳнат, балки сабр-тоқат, эътибор ва доимий ғамхўрликни талаб қиладиган касб. Фермер хўжалигимдаги илк асалари уялари отамнинг маслаҳати ва кўмагида ташкил этилди. Жорий йил апрель ойида ёшлар учун ажратилган 100 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, фаолиятимни янада кенгайтиришга сарфладим. Яқин келажакда замонавий технологияларни жорий этиш ва ёшларни ушбу соҳага янада кўпроқ жалб қилиш ниятим бор, – дейди Серик Жубашев.

Бизнес-тур доирасида иштирокчилар яна бир тажрибали асала-

ричи Абай Шабиев билан ҳам суҳбатлашишди. У асал, мум, прополис ва перга маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сифатга эътибор ҳамда табиий муҳитда фаолият юритиш орқали бозорда талаб юқорилигини таъкидлади.

Тадбир якунида ёшлар ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида эканликларини билдиришди. Фермерлар эса “устоз-шогирд” аънаъаси асосида ёшларга амалий ёрдам беришга тайёр эканликларини маълум қилишди.

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА,
О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши бўлим мудири



СЕНАТОР ВАЪДА ЭМАС, АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРДИ

“Шўртан газ кимё мажмуаси” бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шўхрат Асланов Қарши туманидаги “Сарой” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқларда истиқомат қиладиган бандлиги таъминланмаган ёшлар билан мулоқотда бўлди. Учрашувда мамлакатимизда ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтидорини намоён этиши, бандлигини таъминлаш борасидаги қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида сўз юритилди.

– Президентимиз ташаббуси билан Янги Ўзбекистон пойдевори-ни яратиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳаётиимизнинг барча жабҳаларида ўз ижобий натижасини амалда намоён этаётганлиги, ёшларимизни ҳар томонлама билимли, иқтидорли ва баркамол инсонлар бўлиб улғайишлари учун қилинаётган ғамхўрликлар улар қалбида эртанги кунга мустақкам ишонч уйғотмоқда, – деди Шўхрат Асланов. – Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисларида янги жамият бунёдкорларини тарбиялаш ишига масъулият билан қараш зарурлиги алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, мактаб таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзгаришларни янги босқичга олиб чиқишда нафақат тегишли вазирликлар, балки сенаторлар ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам бирдек масъул эканликлари айтиб ўтилди. Албатта, халқ вакиллари ҳудудларга чиққанда ёшларни қийнаб келадиган муаммоларни синчиклаб ўрганган ҳолда ўша жойнинг ўзида мақбул ечимлар топиш ва уларни бартараф этиш борасида изланимиз. Айниқса, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга ошириш бўйича Давлат дастурида ҳам 2025 йилга мўлжалланган кенг қўламли ислохотлар назарда тутилган бўлиб, ёшлар муаммолари, бандлиги ва тадбиркорлиги кўламини кенгайтириш, ҳудуд ободлиги масалаларини ҳал этиш, экологик тарбияни шакллантириш, табиатга меҳр уйғотиш асосида чор-атрофни муҳофаза этиш каби ҳаётий ғоялар ўрин олганлиги билан аҳамиятлидир. Асосий мақсад фарзандларимизни қизиқиши ва имкониятларига мос йўналишда иш бошлаш учун моддий-техник асос яратган ҳолда меҳнатга йўналтириш ҳамда даромад топишга ёрдам беришдир.

Юзма-юз мулоқотда иштирок этган 11 нафар йигит-қизга ўз-ўзини банд қилиши учун ҳоимийлик асосида компьютер жамламаси, тикув машини, мотокультиватор, пайвандлаш, триммер ўт ўргич ускунаси, электр печь ва устачилик асбоб-ускуналари топширилди. 8 нафар ёшга эса ер майдонлари ажратиш ҳамда касбий кўникмаларни шакллантириш учун амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Бир гуруҳ ёшларга тикувчилик, иссиқхоначилик, йўловчи ташин, техника таъмири каби йўналишларда иш бошлашлари учун мутахассислар жалб этилиб, амалий кўникма ва зарур тушунчалар берилди.

– Маҳалламизда қарийб ўн бир мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди “Сарой” МФЙ раиси

Исмоил Аминов. – Шундан 2232 нафарини ёшлар ташкил этади. Улар орасида иш билан таъминланмаганлари ҳам кам эмас. Сабаби, бизда оқова сув йўқлиги боис томорқадан деярли даромад олиб бўлмайди. Сенатор Шўхрат Асланов ҳудуд аҳолиси билан мунтазам равишда учрашиб, уларни қийнаб келадиган муаммоларга ечим топишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Бугунги мулоқот чоғида “Ташаббусли бюджет”да ғалиб чиқиш орқали қишлоқларимизга сув келтириш борасида амалий таклифларимизни қўллаб-қувватлаган ҳолда, бу борада кўмаклашишга ваъда берди. Ҳозирги кунда томчилатиб суғориш орқали иссиқхонада маҳсулот етиштириш тажрибасини аҳоли ўртасида кенг оммалаштиряпмиз. Ҳудудимиздаги қишлоқларда 200 га яқин оилада иссиқхона мавжуд. Улар сони кўпайгани сайин оилаларнинг даромади ҳам ортиб бораётди. Иссиқхоналар кўмир билан иситилади. Бизда помидор, бодринг ва цитрус мевалар бошқа жойларга нисбатан анча арзон. Чунки ўзимиздан чиқади-да. Қишлоқларда хунармандчилик, чорвачилик, лалмикор деҳқончилигини ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш мумкин.

Қизиқарли кечган мулоқотда, шунингдек, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликни қисқартириш, уларга имтиёзлар ва қўлайликлар яратиб бериш борасида қонунчиликни янада тақомиллаштириш, ҳудудлар ободлиги масалаларини ҳал этиш тизимлари ва республика миқёсида олиб бориладиган “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиёт” йили Давлат дастурига киритилган муҳим йўналишлар, айниқса, ёшлар бандлиги, яшаш шароитларини яхшилаш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қилинаётган ишлар юзасидан маълумот бериб ўтилди.

Учрашувда сўзга чиққан ёшлар бакалавр ва магистратурада ўқиш, илмий фаолият билан шуғулланиш, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича янги-янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, қишлоқ ёшлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш, баркамол авлод маънавиятини юксалтириш мақсадида бундай тадбирларни тез-тез ташкил этиш борасида амалий таклиф ва фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири





МАҲАЛЛА – ҲАЁТ КЎПРИГИ

МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА ВА ТАКЛИФ

Кейинги йилларда маҳалла тизимига эътибор кучайиб, ўзига хос бу институтни халққа янада яқинлаштириш борасида қатор амалий ишлар қилинди. Ушбу жабҳа асрлар давомида сақланиб келаётган миллий анъана ва қадриятлар, инсонлар ўртасида ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш маскани бўлиб келмоқда.

Албатта, маҳалла ҳақида сўз кетганда, ҳақли равишда уни халқ билан давлат ўртасидаги кўприк, одамлар дардио таклифини эшитадиган, муаммоларига ечим топадиган, қувончу ташвишларини қўллаб-қувватлашга тайёр турган ва ҳамيشа савобли ишларга бош-қош бўлиб келаётган тузилма сифатида таърифлаймиз. Халқроқ миқёсда ҳам жамиятнинг қуйи бўғинида аҳолига яқин турган ва кўпгина муаммоларни ечишда ҳисса қўшиб келаётган ноёб тизим эканлиги тан олинган. Оддий мисол, 24 июнда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қароргоҳида “Маҳалла институти аҳоли билан давлат ўртасида муҳим ижтимоий кўприк” мавзусида конференция ўтказилди.

Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюмаси раиси Қарамон Қуронбоев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди. Кейинги йилларда мазмунан трансформациялашган маҳалла БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларидаги 17 та мақсад ҳамда 169 та вазифани бажаришда энг фавол асосий ижтимоий институтига айланди.

Ана шу ютуқлар қаторида соҳада ечимини кутаётган масалалар йўқ эмас. Уларни ҳал этиш орқалигина маҳаллани энг қуйи поғонадаги халқларёвара тузилмага айлантириш мумкин. Акс ҳолда тизимнинг асл мазмун-моҳиятидан беҳабар айрим мутасаддилар уни давлат ҳокимиятининг қуйи поғонасига ёки собиқ “сельсовет” идорасига айлантиришади. Бунга маҳалла, яъни ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотини вазирлик таркибига киритилгани яққол мисол бўла олади. Шукурлар бўлсинки, дав-



латимиз раҳбари ташаббуси билан бу ўринсиз тажриба тугатилди ва маҳаллалар алоҳида уюшмага бирлаштирилди.

Аммо, афсуски, маҳаллий ҳокимликлар маҳаллага ҳамон ўзининг қуйи бўғини сифатида қарайди ва МФЙ ҳодимларини уларнинг функционал вазифаларига кирмайдиган топшириқлар билан банд қилишга уринишади. Масалан, Миграция агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари, Ободонлаштириш департаменти, Ўзбекистон йўл қўаламзорлаштириш корхонасининг вилоятлардаги бўлимларига дахлдор ишларнинг маълум қисми маҳаллаларга юклатилган.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бир неча йил давомида ишламаётган кичик корхоналарни ёпишга маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчиларини жалб қилинишини қандай тушуниш мумкин? Ўз маҳалласи ҳудуддаги корхона бўлса ҳам майли эди. Бошқа маҳалла ва ҳатто бошқа тумандаги ишламаётган кичик корхона эгасини топиш ва ундан корхонани ёпишни талаб қилиш учун қанча вақт ва асаб керак? Ўз-ўзидан савол туғилади: юридик шахслар билан шуғулланадиган солиқ инспекторлари унда нимага керак? Ишламаётган кичик ёки оилавий корхонани ўргани-

ши, ишламаслиги сабабларини аниқлаши, ёрдам кўрсатиши, бўлмаган тақдирда корхонани ёпишни маслаҳат бериши керак эмасми? Ёки маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчиларининг солиқдан қарздор бўлган корхоналар қарзини ундиришга мажбурланганини нима деб аташ мумкин? Бунда ҳам рўйхат бўйича тўғри келган, бошқа ҳудуддаги корхоналар бириктирилган эди.

Янги Ўзбекистонда кўпгина касб эгалари ўз функционал вазифаларига киритилмаган, лавозим йўриқномасида белгиланмаган ишларга жалб қилинганда қонун билан ҳимояланган. Масалан, ўқитувчилар мактаб ҳовлисида гул экиши ёки юқори синф ўқувчининг синфхонани йиғиштириши меҳнат қонунчилигини бузилиши сифатида талқин этилади. Меҳнат қонунчилигидаги ушбу қоидалар маҳалла раисларига келганда нега амал қилмаяпти?

Қонун бўйича ҳодимни яқшанба кунни фақат унинг розилиги билан ва қўшимча ҳақ тўлабгина ишлатиш мумкин. Акс ҳолда жарима ёки ҳатто жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Аммо, ўзини ўзи бошқариш органи вакили сифатида маҳалла раислари маҳалланинг иши билан боғлиқ вазифалари шаёнба

ва яқшанба демасдан, эрта тонг ёки ярим кечада ҳам бажаришга ўрганиб қолган. Бундан ҳеч ким нолимайди, хуноб бўлмайди. Лекин давлат идораларидан келадиган топшириқлар бундан мустасно бўлмоғи лозим.

Энди айрим давлат мулозимларининг: “Маҳалла уюшмасини давлат молиялаштирмоқда, шу сабабли маҳалла ҳодимлари бизнинг ҳар қандай топшириғимизни бажаришга мажбур” қабилидаги ўринсиз фикрларига жавоб тариқасида қуйидагиларни таъкидлашнинг лозим топдим. Маҳаллаларга берилаётган маблағ бюджетдан олинади ва бюджет аҳолининг солиқ тушувларидан, Конституцияга кўра халқнинг мулки ҳисобланган ер усти ва ер ости бойлиқларини сотишдан тушадиган пуллардан шаклланади. Кўриб турганингиздек, аҳоли маблағининг бир қисми унга хизмат қилаётган ҳодимлар орқали ўзига қайтарилмоқда.

Жорий йилнинг май-июль ойларида ўтказилган маҳалла раислари сайловидан олдин маҳаллаларни бирлаштириш орқали йириклаштириш сиёсати амалга оширилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотида кўра, 444 та маҳаллани ихчамлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўғорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашларининг қарорлари қабул қилинди. Айни пайтда мамлакатимизда 9 008 та маҳалла фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг 1 ноябрга қадар яна 808 та маҳалла ихчамлаштирилиши уқтирилмоқда.

Самарқанд шаҳрида ҳам 50 дан ортиқ маҳаллани бирлаштиришнинг аниқ режаси ишлаб чиқилган эди. Аммо охириги лаҳзада ҳаммасини ўз ҳолида қолдиришга қарор қилинди. Фикримизча, Самарқанд каби қадимий шаҳарларда, айниқса унинг Ўски шаҳар қисмида маблағ иқтисодини ўйлаб, маҳаллаларни бирлаштириш, йириклаштириш (замонавий сўз ишлатиб, “оптималлаштириш” ҳам дейилмоқда) мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қадимий шаҳарларда маҳалла бир неча асрлик тарихга эга бўлиб, алоҳида тузилма сифатида шакланган. Бу жойда маҳалла ўзига хослигини сақлаб қолиб, аҳолининг ўзаро тутувлиги, ҳамжиҳатлиги рамзи сифатида намоён бўлмоқда. Одамлар бир-бирини танийди, ёшлар катталар гапига қулоқ солади, барча ишлар биргаликда амалга оширилади.

Кўнча кентлар аҳолисининг турмуш тар-

зи тарихий ва маданий қадрият сифатида катта аҳамиятга эга. Шаҳар ҳаётининг бу томони жамият қандай ривожлангани, тараққиётнинг турли босқичларида аҳоли учун қандай қадриятлар муҳимлик касб этгани ва одамлар ўзгариб борган шароитга қандай мослашиб борганини ўрганишда аҳамиятлидир. Қадимий шаҳарлар аҳолисининг турмуш тарзи маданий меросимизнинг муҳим ва ажралмас қисмидир. Уларни ўрганиш ўз илдизимизни теран англаш ва қадрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўтмиш тажрибасини таҳлил қилиш эса бугунги жамиятимизни такомиллаштириш учун яхшигина тажриба мактаби бўлиши мумкин.

Шу сабабли ҳам қадимий шаҳарлар аҳолисининг турмуш тарзи ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мерос рўйхатига киритилган ва бу нуфузли ташкилот ҳимоясида туради. Албатта, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган шаҳарлар архаик тарзда сақланиб қолганини мумкин эмас. Улар ҳам узлуксиз ривожланиб бораверади. Аммо уларнинг ҳар бири ўзига хослик хусусиятини йўқотмасликка интилиши лозим. Бир неча юз йиллик тарихга эга бўлган айрим маҳаллалар бирлаштирилса, уларнинг қадимий номи йўқолиб боради, оилалар, одамлар бир-биридан узоқлашади, ҳамжиҳатликка путур етади. Шу сабабли, янги ташкил топган шаҳарлар, айниқса кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда бир маҳаллада 1,5 мингта ва ундан кўпроқ хонадон бор, бошқаларини ҳам бирлаштира бўлади, дейиш хато дор.

Яна таъкидлайман: маҳалла халқ билан мамлакат ўртасидаги ишонч кўприги, инсонни жамиятнинг бир қисми бўлиб етиштиришга, бағрикенглик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган макондир. Кўнча шаҳарлардаги маҳалла номлари бизга узоқ ўтмишдан сўзлайди, уларда халқимизнинг тарихи, серқирра ҳаёти ва маданий мероси мужассамдир. Шу сабабли маҳаллаларни бирлаштиришда алоҳида, ўзига хос ёндашув бўлмоғи лозим. Маблағни иқтисод қилиш учун эса штатларни оптималлаштириш даркор.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳри “Боғимайдон” МФЙ
раиси, Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Бугун ахборот технологиялари қамрамаган бирор соҳа ёки инсон қолмади. Осон ва қулай, тезкор имконият жонимизга оро кираётгани аниқ, Вақтимиз тежаляпти, қоғозбозлик бартараф бўляпти, ишнимиз осонлашяпти.

Президентимизнинг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2023–2024 йилларда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати тасдиқланган эди. Унга мувофиқ республикада ижро интизомини назоратини таъминлаш, электрон ҳужжат айланиш тизимини тўлиқ жорий этиш, қоғоз кўринишидаги ҳужжат айланишини бекор қилиш ва самарали ишлашни яратиш мақсадида ҳудудлардаги барча ташкилотларда “**edo.iyro.uz**” тизимини тегишли муддатларда, босқичма-босқич амалга ошириш белгиланган эди.

“Edo.iyro.uz” ягона идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизими – ҳодимларнинг ҳужжатлар билан ишлаш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш, хусусан, барча турдаги ички ҳужжатлар (буйруқ, билдирги, фармойиш, баён, чора-тадбирлар, йўл хариталари, назорат режалари ва бошқалар) ишлаб чиқиш, келиши, тасдиқлаш жараёнларини тўлиқ электрон кўринишда амалга оширишдир. Ҳамда уларнинг ижросини вертик ва горизонтал тарзда назорат қилиш, исталган жойдан ва исталган востадан (мобил, ноутбук) фойдалана олиш, давлат органлари ўртасида очиқ турдаги хизмат ёзишмаларни ўзаро алмаштириш ҳамда топшириқ ва вазифаларнинг бажарилмиш назоратини электрон юритиш имкониятидир. Тизимнинг соддалаштирилган мобил илова версияси ҳам жорий қилинган бўлиб, бу орқали топшириқлар ижросини реал вақт режимида осон ва қулай назорат қилиш, ижро муддати тугаган ва муддати яқинлашаётган топшириқлар бўйича масъулларнинг уяли телефонларида огоҳлантириш берилади.

Қарор билан мазкур тизимни жойларда тўлиқ жорий этиш “Uniconsoft” МЧЖга юклаган. Жамиятнинг юртимиз бўйлаб ҳудудларда тайинланган вакиллари ушбу янги тизимни кенг йўлга қўйишда корхона ва ташкилотларга қўмаклашиш, жумладан, раҳбар ва ҳодимларнинг тизимга кирилишидаги дастлабки зарур босқич “OneID” орқали рўйхатдан ўтказдириб бериш, сўнг қандай иш юритишларини ўргатиш ҳамда муаммо бўлган ҳолатларни бартараф этиш билан шуғулланишади. OneID – бу ягона идентификация тизими (ЯИТ) бўлиб, давлат ва нодавлат ташкилотлари-



нинг турли хизматларидан фойдаланиш учун фойдаланувчиларга ягона аккаунт орқали кириш имконини беради. Бошқача айтганда, бу тизим орқали битта логин ва парол билан турли хил давлат хизматларига кириш мумкин.

Шуҳрат Дилшодов ҳам Тошкент вилояти Бўка туманига янги вазифа – Президент қарорининг тумандаги ижроси бўйича масъул шахс этиб тайинланди. Туман ҳокимиятида жойлашган “Unicon Soft” МЧЖ Бўка тумани филиали бўлим бошлиғи. Ўзи ҳам шу туманда истикомат қилади, уйланмаган, 30 ёшда. Қирчилмаа йигитнинг ғайратли тоғни талқон қилгудек, хушмуомала, хизматга шай. Қисқа вақтда унинг хизмат фаолияти ҳақида туман ахли хабардор бўлди.

Ахборот асрида ашасак-да, янги дастурларни юклаш ва ўрнатишда ҳамманинг ҳам укуви бўлмаслиги табиий. Айниқса катта ёшли раҳбар ва ҳодимлар бунга қўпма ҳафсала қилишмайди. Табиийки, уларга ҳокимиятда ўтирадиган, иш фаолиятлари учун зарур тизимни ўрнатиб бер, десалар “бажонидил” деб турадиган йигит манзур бўлди. Унга кўнғироқ қилиб, бир оғиз айтишса бас: ё ўзларим ноутбукларини унинг ишхонасига олиб келишади ёки унинг ўзи бориб, тегишли ишни бажариб беради.

...2024 йил 6 август. Шуҳратга туман ҳокимлигининг маънавият ва маърифат бўлим бошлиғи Чаман Абдиева кўнғироқ қилиб, “**edu.iyro.uz**” тизимига кира олмаётганини айтиб, бу борада ёрдам сўради. Шуҳрат тезда унинг хонасига борди.

– Аввало “OneID” тизими орқали рўйхатдан ўтишингиз, логин ва парол олишимиз керак, – деди Шуҳрат Ча-

маннинг ноутбуги қаршисида ўтираркан. – Қани, паспортингизни узатинг?

Аммо... шу онда ҳаёлига яшин тезлигида келган фикр тизим бахонасида бошқа “иш”ни ҳам амалга оширишга ундади. “OneID”да операцияларни амалга ошириш билан бир вақтда Чаманнинг шахсий маълумотларини унга билдирмасдан ўзининг мобил телефонида мавжуд бўлган ТБС банк иловасига юклади.

– Энди юзингизни экранга қаратинг, – дея телефон камерасини унга тутди Шуҳрат. – Ана, бўлди, қабул қилиндингиз!

Эгаси беҳабар юборилган хуфёна аризани қисқа муддатда кўриб чиққан банк Чаман Абдиева номига онлайн карта очди ва 18 млн 930 минг сўм миқдоридagi микроқарз тақдим этди. Шуҳрат эса тезда бу маблағни ўз картасига ўтказиб олди. Бу орада Чаманнинг ҳам муаммоси ҳал бўлди: у Шуҳратбекнинг кўмағида тегишли рўйхатдан ўтди.

– Энди бемалол “**edu.iyro.uz**” кириб ишлашингиз, ҳужжатларни юритишингиз мумкин, – деди Шуҳрат Чаманга. – Яна қўмак керак бўлиб қолса тортинмай мурожаат қилаверинг, ёрдамим тегса хурсанд бўламан.

Иши битганидан мамнун бўлган Чаман Абдиева қўли кўксига, миннатдорчилик билдира-билдира уни кузатиб қўйди.

Икки кундан сўнг эса...

– Спорт мактабидида кадрлар бўлими бошлиғимман, – деди унга телефон қилган аёл. – Мактабга янги директор ҳамда ўринбосар тайинланди, уларнинг тизимга кириб, ишлаши учун рўйхатдан ўтказиб берсангиз...

Шуҳратбек бир зумда спорт мактабига етиб борди. Директорга ўрин-

босар бўлмиш Фаррух Раҳимовга ҳам дастлаб “OneID”дан ўтиш, бунинг учун шахсий маълумотларини тақдим этишини айтди. Меъбон ҳам унинг барча айтганларини муҳайё қилди, юзини камерага тутди... “Устамон дастурчи” эса шу онда ўринбосарини ТБС банкдан нақ 49 млн 800 минг сўм миқдоридан қарздор қилиб, маблағни “ухлатиш”га улгурди. Бу тузоққа спорт мактабининг янги директори Абдулла Ҳалимов (15 млн 300 минг сўмлик микроқарз), Қийикчи маҳалласидаги мактаб ўқитувчиси, яқиндагина кадрлар бўлими бошлиғи бўлган Азиза Беғалиева ҳам (10 млн сўмлик микроқарз) тушди. Фақат бундай тўрдан уларнинг ўзлари беҳабар эдилар, холос...

Бир оғалат сўнг ёхуд ройати SMSлар

Спорт мактаби директори Абдулла Ҳалимов ишга кетаётганида қўл телефонида келган SMS хабар турвузини кўлтигидан тушириб юборди: ТБС банк унинг пластик картасидан 811 000 сўм миқдоридagi пулни кредит қарздорлик учун ечиб олган. Ишончага бора-боргунча каттиқ сиқилди, бирор банкдан кредит олмаган бўлса...

ТБС банкдан қарздорлик туфайли электрон ҳамандан ечилаётган маблағлар хабари унинг ўринбосари Фаррухни (2,5 млн сўм) ҳам чўчитиб қўйди.

Абдулла дарҳол банкнинг қисқа рақамига кўнғироқ қилиб, номида кредит бор-йўқлигини текшириб беришларини сўради. Оператор унинг паспорт маълумотларини сўраб, текшира экан, ўз аризасига биноан унга ўтган ойнинг тегишли санасида 15 млн 300 минг сўм миқдоридан кредит

ажратилганини маълум қилди. Энди қайсидир фирибгарнинг тузоғига тушганини англаган директор “102”га кўнғироқ қилиб, уни номига кредит олган номаълум шахсни аниқлаб беришларини сўради. Аммо ўша пайтда фирибгарнинг ким экани ҳаёлига ҳам келмаган эди. Қизиғи, шу кунлари туман ИИБга ҳудди шундай мазмундаги шикоят билан бошқа жабрланувчилар ҳам бирин-кетин мурожаат қилишган эди...

Судланувчи Шуҳрат Дилшодовнинг жиноятни содир этишдаги айби дастлабки тергов даврида тўплаган ва судда текширилган далиллар – жиноят ишидаги қонуний чора кўриш ҳақидаги ариза, тушунтириш хатлари, банк ҳужжатлари, тилхатлар, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўплаган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди.

Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида: “Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, билла туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар ҳабаб қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши билан бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади. Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича маълумотлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг нияти, ваколати (масалан, айбдор шахс ўзини

мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодими ёхуд қонуний асосларда фаолият юритувчи тадбиркор сифатида кўрсатиши ва ҳ.к.) тааллуқли бўлиши мумкин”.

9-бандида эса: Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, банклар ва бошқа кредит муассасаларидан онлайн шаклда кредит (микроқарз) маблағларини олиш мақсадида алдов ёки ишонччи суиистеъмо қилиш йўли орқали ўзга шахсга тегишли бўлган махсус идентификация талаб қилувчи техник воситалар (компьютер, ноутбук, телефон, планшет ва ҳ.к.)нинг махсус кодларидан ёки ўзга шахснинг электрон рақамли имзоларидан фойдаланиб, пул маблағлари ажратилишига ва келгусида ушбу пул маблағларидан эркин фойдаланиш имкониятини берувчи ҳисоб-рақамларга ўтказилишига эришганлик ҳолатлари фирибгарлик сифатида баҳоланиши лозим” деб белгиланган.

Суд жавобгар томонидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарининг қоплангани, уларнинг судланувчига даввоси йўқлиги ва енгиллик бериш ҳақидаги аризасини инобатга олди. Юқоридagилардан келиб чиқиб, Шуҳрат Дилшодов Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б”, “г” бандларида (Фирибгарлик, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан тақдоран фойдаланиб) назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилди ва иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилга 4 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шунингдек, дастлабки тергов даврида етказилган моддий зарар ҳисобига депозит ҳисоб рақамига топширилган 94 030 000 сўм пул маблағлари жабрланувчиларга ўтказилди. Манфаатдор тарафларга регресс тартибда ва етказилган моддий ҳамда маънавий зарарини, банк фоиз (пеня) миқдорини ундириш масаласида фуқаролик тартибиде судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Суд мажлисида судланувчи Шуҳрат Дилшодов билмасдан онлайн қимор ўйнагани, шу туфайли унга пул жуда зарур бўлиб қолгани ва юқоридagi қилмишларга қўл уришга мажбур бўлгани, ҳозирда қилмишдан пушаймонлигини билдириди. Аммо бу сўнгги пушаймонлик уни жазодан озод қилишни англаتماйди. Алдов, фирибгарлик йўли билан топилаган ҳаром лўқма ҳеч қачон буюрмайди.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Бўка тумани суди раиси
Нурхон ЭЛИМРИЗЕВА,
“XXI asr” мухбири
(Мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартрилган)

Гўзалликни кўришга ўрганмасак, нуқул камчилик топаверамиз

Қарияпман шекилли. Болалик хотираларимнинг кўпидан тафсилотлар ўчиб кетган. Лекин, хайриятки, моҳият эсимдан чиқмаган. Шулардан бири илк бор дурбинни кўлга олганим. Ҳаяжондан юрагим қинидан чиқиб кетай деган.

Ўша пайтлар кўзим жуда ўткир эди десам, балки ёлғондир. Лекин кўзимдан сира нолимаганим аниқ. Ҳамма нарсани ўз ўрнида ва ўз шаклида кўрар, тушунар эдим. Лекин дурбин фикратимни остин-устин қилиб юборди. Олисдаги нарса кўл узатсам етадиган масофага келиб қолгандай бўлди. Беихтиёр кўлимни ҳам чўздим. Дурбин ойнасида баҳайбат бармоқларимни кўриб, уларни шартта тортиб олдим. Менга дурбин берган йигит қулиб, кўлимдан дурбинни олди ва уни айлантириб, яна кўлимга тутқазди. Дунё бирдан узоклашиб кетганидан баттар талвасага тушдим. Боягина кўз олдимда турган дарахт бир чақирим масофага бориб қолгандай эди.

Албатта, бу ҳол оптик иллюзия (табиийки, бу сўзни ўша пайтда билмасдим) эканини англайдиган ёшда эдим. Ҳар қалай, бу пайтда талай китобларни ўқиган эдим. Дурбинни аввал кўрмаган бўлсам ҳам, у ҳақида ўқиган, маълум тасаввурим бор эди. Бироқ мавҳум билиш бошқа, кўз билан кўриб, кўл билан ушлаб кўриш бошқа. Эмпирик билим назарий билимдан устун туюлишининг сабаби ҳам шунда. Ҳолбуки, уларнинг иккаласи ҳам нотўғри бўлиши мумкин.

Дурбин билан боғлиқ яна бир хотира. Қишлоғимиз тепасидаги баланд қир устида олисларни томоша қилардим. Боботонинг кунботарида – Сурхон воҳасининг ғарбидо Бойсун тоғи бор. У менга улкан қалъа девори каби туюлди. Бу “қалъа девори” тарихини кейинлар ўйлаганимда, болалиқда ўша хотира энди тарихий далиллар билан тўйиниб қуйидаги ифодани касб этарди: Анвар пошо Миршодида тўхтаб, Иброҳим лақайни кутиб ўтирмаганида, Бойсунни жанубдан айланиб, Дарбанд тепасидаги Темир дарвоза дарасини душмандан олдинроқ кўлга олганида эди, шўроларни бу юртга ўтказмаган бўларди... Эҳтимол ўшанда тарихимиз ҳам бутунлай бошқача кечармиди?!

Кейин дурбин мурватини бураб, яқинроқдаги Сўфи Оллоёр бобонинг қабри жойлашган Вахшивор тоғини кузатдим. Ҳар дарасидан бир сой ё жилға шовуллаб энаётган, қирлар ёнбағрини қалин узумзор қоплаган, қуюқ дарахтлари тагига тангадай соя тушмайдиган қишлоқларни томоша қила туриб, асли Самарқанд ҳам жаннатдай жой, Сўфи Оллоёр бобомиз узлатни ихтиёр қилганда нега бу юртга келди экан, деган саволга жавоб қидирдим.

Дурбинни жанубга буриб, жуда олисда, саратон тўзони орқасида хира кўринаётган маъволардан Жарқўрғон минорасини изладим. Менинг бола пайтимда бу минорани кўпчилик билмас, дарсликларда ҳам у кўҳна обида ҳақида ёзишмасди. Аммо жарқўрғонлик бир киши бизнинг қишлоққа келиши асосида бу ҳақда билиб олгандим. Минорани топсам, ҳар кимки узлат ихтиёр қилса, кимсасиз юртларга кўчади, деган сийқа фикрдан ғолиб бўлишимни билардим. Катта шаҳарда эмас, кичик бир қишлоғида шундай улкан минораси бўлган юртни Сўфи Оллоёр бобонинг узлат учун маскан тутиши, у бу юртга тинчлик ва эзгулик истаб келган, деган хулосани устувор қилиши лозим эди. Бироқ уни тополмадим.

Дурбин эмас, телескоп бўлганида уни албатта топардим, ҳатто Термиздаги Султон Саодат мажмуасини ҳам томоша қилиб, Термиз отанинг қабрини

кўз билан зиёрат этардим деб ўйлаганим ҳозир ҳам ёдимда.

* * *

Уч-тўрт йил дорилфунунда талабаларга сабоқ бердим. Кейин бу юмушни ташладим. Гап – эшитадиган кулоқни эмас, тушунадиган бошларни тополмаганимда.

Бир куни дарсда бадиий асарларга турлича ёндашиш мумкинлигини тушунтириш учун мисолларни қалаштирдим. Фалон асар ҳақида пистончи бундай фикр айтган, писмадончи унинг бу фикрига қўшилмай мундай деган, менинг назаримда эса... деб гапириб турган эдим. Тўсатдан айтаётган гапларим талабалар онгига етиб бормаётганини ҳис қилдим. Уларга бу фикрлар мутлақо қизиқмас эди. Айримларигина дафтарига нималарнидир ёзиб оларди. Қатор оралаб юрар эканман, шундай дафтарлардан бирига ўғринча қарадим... ундай деган... мундай деган...

“Гап нима деганидагина эмас, нима учун шундай деганида”, дедим. Кейин “Нега бирортанг савол бермайсан?” дедим зарда қилиб. Ҳамма бошини эгди. Назаримда энг қобилиятли туюлган бир талаба рўпарасида тўхтаб, кўлимдаги қаламни унинг кўз ўнгига тутдим. “Нимани кўряписиз?” деб сўрадим. “Қаламни”, деди у.

“Суврат эмас, шакл ҳақида гапиринг”, дедим овозимдаги зарда оҳангини босишга уриниб. “Нима шакл кўряписиз?” “Қаламни”, деди у яна.

Қалам учини унинг кўзига тўғрилиладим. “Энди нима кўряписиз?”. “Қаламни”, деди у яна.

“Илтимос, – дедим ўзимни босишга ва меҳрибон устоз қиёфасига киришга уриниб, – сиз бунинг қалам эканини биласиз, лекин ҳозир билганингиз ҳақида эмас, кўриб турганингиз ҳақида айтинг! Қайси шаклни кўряписиз?”. Жимлик.

Бориб, доскага катта бир нуқта чиздим ва талабанинг ёнига қайтдим. Унинг ёнида туриб доскага қарадим. Ниҳоят, у менинг нима жавоб кутаётганимни тушунди ва шодон ҳолда “Қаламни эмас, нуқтани кўрдим”, деди.

Кўлимдаги қаламни яна унинг кўз олдида тутиб, бу сафар ярим айлантирдим: “Энди нимани кўряписиз?” “Қаламни”, деди у ишонч билан.

“Яна бояги саволимни такрорлайман, сиз бунинг қалам эканини биласиз, лекин ҳозир сиздан бунинг қалам ё қалам эмаслигини эмас, айнан қандай шаклни кўраётганингизни сўраяпман?” Яна жимлик.

Мен яна доска олдида қайтдим ва қалин чизик чиздим.

Ортимдан ўзига ишонқирамаган овоз эшитилди: “Чизикни кўряпман”.

Мен яна дарс мавзусига қайтдим. Гап адабиёт ҳақида кетаётган бўлса ҳам, бироз фалсафа сўқдим. Дедимки, гап доимо бизнинг нарса ва ҳодисаларга қайси нуқтадан қарашимизга боғлиқ. Қаламни тикка ушласак тикка чизикни, ётиқ ушласак горизонтал чизикни, кўзимизга қаратиб ушласак нуқтани кўрамыз. Лекин биз қайси шаклни кўраётганимиздан қатъи назар, қаламнинг моҳияти ўзгариб қолмайди. У доимо қаламлигича қолаверади.

Мисолимиз конкрет жисм эди. Ва бу жисмни ҳаммамиз яхши биламиз. Мавҳум нарсалар ҳақида гап кетганда эса кўпинча ўша мавҳумиятнинг шакли ҳақида гапирамиз. Асли, яъни моҳиятини эса шу шаклга боғлиқ равишда тушуниб оламиз.

Кейин умрида илк бор филга дуч келган кўр



Мусулмон НАМОЗ

одамлар ҳақидаги ривоятни айтиб бердим. Филнинг оёғини ушлаган кўр уни устунга, хартумини ушлагани илонга ўхшатади. Уларнинг ҳар иккиси ҳақ эди. Лекин аслида фил устунга ҳам, илонга ҳам ўхшамайди. У сизлар ҳайвонот боғида ё телевизорда кўрган фил бўлиб қолаверади.

Адабиётшунослик илмида бунинг ракурс дейдилар.

* * *

Бот-бот “Ўтган кунлар” романига тошлар отилиб қолиши маълум. Икки йилча бурун ҳам шундай хуружлардан бири содир бўлди. Шунда яна талабага қалам кўрсатганимни эсладим.

Ақром Маликнинг “Ўтган кунлар” асари қаҳрамонлари бўлмиш Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кумуш, Зайнаб ҳақидаги гаплари баҳсларга сабаб бўлди. Бироқ, бу Ақром Маликнинг нуқтаи назари эканини унутмайлик. Унинг адабиёт, тарих ва ҳаёт ҳақидаги қарашлари чўққисидан туриб қаралганда шундай кўриниши шубҳасиз. Фақат бир нозик жиҳати бор: у асар ҳақида эмас, унинг қаҳрамонлари ҳақида гапирган. Худди филнинг оёғини ушлаган кўр ҳақ бўлгани каби, Юсуфбек ҳожи оила измини бир қадар хотинига топшириб қўйгани ҳам ҳақ. Лекин нисбий ҳақиқатлар ҳар доим ҳам асл ҳақиқатга олиб келавермайди. Миллатнинг энг олди одамларидан бири бўшанг, бошқаси ландовур бўлса, бундан “Халқ қалбига “Сен шу қадар хорсан!” деган ғояни қуяди”, деб ҳукм чиқариш адолатдан бўлмайди. Юсуфбек ҳожи сираям идеал одам эмас. Отабек ҳам идеал одам эмас. Марғилонда яхши кўрган, севган хотини бўла туриб, “бўшанг”лиги учун онасининг гапи билан иккинчи хотинга уйланади. Аммо бир жиҳатни ҳам сира унутмаслик керак: бўшанг, ландовур деётган қаҳрамонларимиз сира кўрқоқ кишилар ҳам эмас. Ўзбекона, шарқона, иймонли кишининг андишасининг ўрни ҳам бу характерларда яхшигина тош босади.

Бу одамлар ниҳоят бир куни ўзига “Бас!” дея олгани учун ҳам бизнинг кўз олдимизда қаҳрамонга айланади. Мабодо бу одамлар идеал қаҳрамон бўлиганида “Ўтган кунлар” романи ҳам пайдо бўлмасди.

Айбсиз – парвардигор. Қодирий бобомизнинг асарида ҳам камчилик бўлиши мумкин. Бироқ аввал

гўзалликни кўра билишга ўрганиш даркор. Энг аввал эл-юрт ғамида сочи оқарган Юсуфбек ҳожини, кўнглини асраб қолмоқчи бўлаётган Отабекни, ўлим тўшагида ётганида ҳам қайната ҳурмати учун ўрнидан кўзғолган Кумушни, “Мен – Кумуш!” деб ёлворган бахтиқаро Зайнабни кўришни ўрганмасак, адабиётимиз орқага кетаверади.

Ўрганиш... гўзалликни кўришга ўрганмасак, нуқул камчилик, хато топаверамиз. Чунки гўзалликни кўрмасак, демек, хунукни кўраётган бўламиз. Қаламни гоҳ чизик, гоҳ нуқта шаклида кўрганимиз билан қаламнинг моҳияти ўзгариб қолмайди ахир.

Дурбин олиб қарасак, Навоий бобомизнинг салтанат ҳукмдори Бойқарога бағишлаб ёзган ўнлаб мадҳияларига дуч келамиз. Бемалол “Ия, Навоий бобомиз ҳам маддоҳлик қилганми?” деб юборишимиз мумкин. Дурбинни айлантирсак-чи? Кўз олдимизда буюк Навоий пайдо бўлади ва бирдан англаб етамизки, Навоий бобомиз ҳукмдорга қарата “Сиз шунчалар буюксизки, ёмон қилиқлар бундай буюк одамга сира ярашмайди”, деб тарбиялаётган бўлиб чиқади. Бобомиз эл-юрт манфаати учун маддоҳлик жандасини елкасига илишдан сира ор қилмаган экан, деймиз.

Бу кўҳна тарихни идрок қила туриб тушундикки, Навоий Бойқаро ёнида сиз буюксиз деб турган чоғларда шоҳ ҳам ўз буюклигига ишонган ва фақат буюкларга хос ишлар қилган экан. Навоий шоҳ ёнидан узоклашгандагина Бойқаро фитратидарга бадбинлик, жаҳолатга йўл очилган. Чунки Навоий кўрғон эди.

* * *

Адабиёт эр-хотин муносабатлари, қўйди-чиқди мавзуларига ўралашиб қолаётган, шеърлар оҳ-воҳга, насрий асарлар нуқул умуртқасиз қаҳрамонларга тўлиб кетаётган бўлса, бунга жамият сабабчи эмас. Қалам аҳли қўлида дурбин йўқлигидан. Ёки қаламни айлантириб кўрмаётганидан.

Манба: “Маънавий ҳаёт” журнали, 2025 йил 2-сон.



QR кодни сканер қилинг ва бизни ижтимоий тармоқларда ўзингизга қулай усулда кузатиб боринг.

ЭЪЛОН

“OILA VA JAMIYAT” МЧЖ газетаси таҳририятининг ихтиёрий равишда 2025 йил 11 июлдан тугатилаётганлиги муносабати билан бир ой ичида дебитор ва кредитор қарзларини сўндириш юзасидан 71 255-45-08 ва 93 505-07-41 телефон рақамларига мурожаат қилишингизни сўраймиз. ТУГАТИШ КОМИССИЯСИ

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 745
Адади: 5105
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:35

Тахририятга келган кўлөзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ